



## **СЕРҚИРРА ИЖОДКОР, БЕНАЗИР ИНСОН**

### **Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ таваллудининг 65 йиллигига бағишланади**

Яратган эгам ҳар бир инсонни, умрининг қайси баҳорида бўлмасин, унинг ҳаёт йўлини ёритувчи “маёк”, ижодда, илмда йўналтирувчи “компас” тимсолидаги “ўз устози”ни топиш бахти ила сийлаган.

Камина ҳам шундай бахтга мушарраф бўлган бахтлилардан бири бўлиб, Устозим — иқтидорли ёзувчи, таниқли журналист, моҳир публицист, профессор, филология фанлари доктори Хуршид Дўстмухамедов билан илк маротаба 2002 йилда Республика болалар парламентининг ёзги сессиясида танишганман. У киши совға қилган “Журналист бўлмоқчимисиз?” номли китоби қалбимнинг туб-тубида ётган умидларга аланга бўлган. Орадан 8 йил ўтиб, 2010 йил Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида битирув-малакавий ишимнинг ҳимоясида Устоз билан қайта кўришиш насиб этди. Бу учрашув илмий-тадқиқот ишларимга оид истиқболдаги режаларимни қатъий мақсадга айлантирган.

Таниқли ёзувчи, адабиётшунос олим ва журналист Хуршид Дўстмухамедов 1951 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Устоз болалик хотираларини шундай эслайди: “Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, “Чорсу” бозоридан Сағбон кўчаси бўйлаб кетаверсангиз, Кўштут даҳасидан ўтасиз, шунда чапга — Чиғатой дарвозасига олиб чиқадиган “Хуррият” тор кўчаси келади. Ўша кўчадаги хонадонда туғилиб, ўша кўчаларни чангитиб ўсганмиз. Ҳарф таниган пайтларимдан кўчамизнинг номи менга жуда ёқар, негадир “Хуррият” деганда юзларимни майин шабада сийпаб ўтгандек бўлар, ҳатто,

60-йилларнинг бошларида Чимбой маҳалласидаги янги қурилатган уйимизга кўчганимизда биринчи навбатда, янги кўчамизнинг номи қандай бўларкин, деган хавотир кўнглимдан кечган.

Отам раҳматли аввал колхозда, сўнг ресторанда ҳисобчи бўлиб ишлаган, мен дунёга келган кезлар у киши аллақачон қариллик нафақасини олаётган, касибчилик орқасидан тўққиз ўғил-қизни вояга етказган. Демак, мен зиёли оиласида туғилдим, вояга етдим, тарбия топдим, десам тўғрироқ бўлади. Отам мадраса кўргани сабабми ёки анчагина зиёли инсон бўлгани боисми, у кишига “Мулла Наби” деб мурожаат қилишарди. Онам раҳматли ўзига тўқ оила фарзанди бўлган, айна оила қурган 20-йиллар охирида бошланғич синфларда ўқитувчилик қилганлар.

Демак, ота-онамнинг биз фарзандларга қолдирган энг бебаҳо фазилятлари — зиёлилик!

Оиладаги тўққиз фарзанднинг кенжаси — уч ака, беш опанинг укаси бўлиш тенги йўқ бахт албатта, қачон шундан гап очилса, суҳбатдошларим, роса эркатой бўлган экансизда, деб ҳаваслари келади.

Менга кенжалик сурури кўпда насиб этмаган, чунки тўнғич опамнинг тўнғич фарзанди қарийб менга тенгқур, шу боис кенжалик психологияси бошқаларникига ўхшамаган тарзда шаклланиши қизиқ кечган.

— Шу-унча бола туғиб нима қилардингиз, — дедим ўша ғўрлик кезларим бир куни ойимга, — мана энди бизни боқишга қийналяпсизлар, мен ўзим ҳам сизга ҳеч нарса қилиб беролмайман, катта бўлгунча...

Шу ерга келганда гапимнинг давомини ўйлаб қолдим, тилимни тишладим, лекин ойим жуда зийрак, китоб кўрган саводли аёл эдилар, мириқиб, яйраб кулдилар. Рўмолининг учи билан оғизни паналаб, товуш чиқармай кулганларида кўпинча кўзларидан ёш чиқиб кетарди...

14-15 ёшимда отам билан ёнма-ён ўтириб, махсидўзлик қилардик. Оилада отамизнинг сўзлари икки бўлмас, у киши ўта мулойим, камгап бўлсалар-да, бир нигоҳ ташлашининг ўзи ҳар қандай шўхликнинг ўтини ўчириб кўяр эди. Раҳматли, махсининг чокини текис тикишдан тортиб, чумагини, дастагини оби-тобига етказмагунча кўнгиллари жойига тушмас эди. Бир куни хуноб бўлиб, “Э, дода, бозордаги харидорнинг биттасиям махсининг сифатини, кам-кўстини фарқламайди, билмайди-ку, намунча уни пайпаслайверасиз!” — деб юборибман. Қиблагоҳимиз узоқ жим ўтирдилар ва ниҳоят, бир маҳал: “Бозордаги харидорлар билмаса, сен ўзинг биласан-ку”, — дедилар секингина... Чамамда отамдаги вазминлик, фикрга мойиллик, мумкин қадар камроқ гапиришга уриниш болалигимдан менга маъқул келган

кўринади... Отам “Айтганинг — кумуш, айтмаганинг — олтин” нақлига каттиқ риоя қилган шекилли. Киноя ва тагдор таъриф у кишининг “кредоси” эди.

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги 11-мактабда саккиз йил ўқиганман. 1958 йили 1 сентбярда биринчи бор синфга олиб киришганда биринчи қатордаги партани эгаллаб олиб, “Битта ўзим ўтираман!”, деб хархаша қилганимда, онам (раҳматли волидам бошланғич синфларга муаллимлик қилган), биринчи устозимиз Ирисали ака Мирвалиев роса кулганди. Жуда фидойи ўқитувчи эди...

Олтинчи синфда ўқиб юрганымда мактабдош бир кизга ишқим тушган, ўшанга дахлдор кечинмаларни ён дафтаримга пинҳона ёзиб юрганман. Табиий, у ҳолат катталар тушунган даражадаги ишқ эмас эди, албатта, балки дунёни ўзим истаган интим нигоҳ билан кузатиш, идрок этиш ва ўз шахсий карашларим нуқтаи назаридангина талқин этишга мойилликнинг туғилиши эди, ЁЗИШнинг, ЁЗУВЧИЛИКнинг бошланиши эди.

Биринчи ахборотим “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Туркистон”) газетасида босилди. “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”) таҳририятидаги Файзи Шоҳисмоил раҳбарлигидаги, “Ёш ленинчи”даги Муҳаммаджон Қўшоқов раҳбарлигидаги “Ёш мухбирлар” тўғарагига қатнаганман.”

*Домла ўрта мактабдан кейин Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) Журналистика факультетини тамомлаган. Улар меҳнат фаолияти давомида “Фан ва турмуш”, “Ёш куч”, “Ўзбекистон матбуоти” журналларида, “Қишлоқ ҳақиқати”, “Хуррият” газеталарида муҳаррир, бўлим муҳаррири, бош муҳаррир, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Маданият ва ижодий уюшмалар ишлари бўйича консултанти, Ахборот марказининг етакчи консултанти, бош консултанти, Ўзбекистон ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий Фондининг ҳамраиси, кейинчалик Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари — қўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси мудири каби лавозим ва вазифаларида ишлаган.*

Журналист, ёзувчи, публицист, олим Хуршид Дўстмухамедов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, 1997 йилда “Шухрат” медали, 2007 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. 2000 йилда “Офарин” танловининг “Йилнинг энг яхши ёзувчиси” номинацияси бўйича, 2013 йилда “Журналистика — ижодий фан” республика танлови ғолиби. Уларнинг ёзувчи, публицист сифатида “Нигоҳ”, “Жажман”, “Қазо бўлган намоз”, “Беозор кушнинг қарғиши”, “Бозор”, “Қиссалар”, “Қичқирик” каби китоблари, журналист, олим сифатида “Журналист бўлмоқчимисиз?”, “Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари”, “Ижод — кўнгил мунавварлиги” каби рисоалари, “Халқаро журналистикада гуманитар ҳуқуқ ва касб этикаси” номли ўқув қўлланмаси, “Журналистнинг касб одоби муаммолари”, “Ахборот — мўъжиза, жозиба, фалсафа” номли монографиялари чоп этилган.

В. Гаршин, А. Рюноскэ, Т. Сухотина-Толстая, А. Якубовский, Г. Гулиа, Юсуф ас-Шаббий, А. Жук, А. Риук, М. Хошур, В. Череванский, К. Кальваро, Хосе Варас, А. Ал-Манфалутий, Ботир Зокиров, Шавкат Абдусаломов, Темур Пўлатов сингари ёзувчи, тарихчи, адабиётчиларнинг қисса ва ҳикояларини, эссе, эсдалик ва кундаликларини таржима қилган.

Устознинг суръати ва сийратига чизгиларни ўзларининг қуйидаги фалсафий қарашлари орқали эътироф этсак, “Инсон ҳаёти ўрганишдан иборат. Туғилганидан то умрининг сўнгги лаҳзасигача бирон дақиқа бўлсин, ўрганишдан тўхтамайди одам. Бу жараён гоҳ ихтиёрий, гоҳ ихтиёрсиз суръатда давом этади. Шу мақсад — шу ниятда у ўзидаги бор имкониятни сафарбар этади: кўзи, қулоғи, фаҳм-фаросати, илми-билими, хотираси, заковоти, истеъдоди, эпчиллиги, уздабуронлиги, бойлиги... яна аллақанча “воситалари” ҳам ялписига унинг ўрганиши йўлида тиним билмай хизмат қилади. Етти қават самога парвоз қилишидан, етти қават замин қаърига тушишидан, баҳри муҳитнинг туб-тубини ўз кўзи билан кўрмагунича тиниб-тинчмасликдан кўзлаган муроди ҳам битта — ўрганиш!

Инсониятнинг қисмати, умрининг мазмуни — ўрганиш.

Ўрганиш йўлидаги ҳеч қандай саъй-ҳаракатни камситиш мумкин эмас, лекин бир ҳақиқат борки, уни инкор этиш қийин. У ҳақиқат жуда оддий ва жуда боқий: инсон дунёни ва ўзини ўрганиши учун энг катта, энг беқиёс, энг беҳисоб, энг беминнат бойлиги ва минг афсуски, энг... кадрсизи ҳам ИНСОН!

Ҳар бир инсонни кўзгу, ибрат ва сабоқ деб билиш учун эса уни қадрлай билмоқ, уни асраб-авайламоқ, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсата билмоқ, унга

ишонмоқ керак. Инсонпарварликнинг аввали — фикрпарварликда, ғояпарварликда. Ана шу туйғуларни умуминсоний фазилатлар мақомига қадар юксалтиришга эришилган тақдирдагина бу ёруғ дунёни асраб қолиш имкони топилади...”<sup>5</sup>.

**Фарида РАҲИМОВА**  
катта илмий ходим-изланувчиси  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

---

<sup>5</sup> ОАВда эълон қилинган Х.Н.Дўстмухамедов ҳақидаги суҳбат ва интервьюлар фойдаланилди.